



## AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 06 | pp. 25-29 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

### СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ



**Идирисов Алишер Отажонович,**  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
мустақил тадқиқотчиси

**Аннотация:** Ушбу мақолада сув ресурсларини бошқариш, уларнинг ҳисобини түғри юритиш ҳамда сув муносабатларини янада такомиллаштириш, шунингдек, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик маъмуриятчилиги ташкил этиш ҳамда мазкур солик бўйича самарали назорат олиб бориш орқали солик базасини кенгайтириш масалалари ҳақида сўз юритилган.

**Калит сўзлар:** Сув ресурслари, сув ресурсларини бошқариш, ваколатли органлар, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик, солик солиш обьекти ва базаси, солик ставкалари, солик назорати.

#### **Кириш.**

Таъкидлашимиз мумкинки, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик бўйича тушумлар давлат бюджетида фискал аҳамиятга эга бўлса, бугунги кунда нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунё миқиёсида мазкур соликнинг солик солиш обьекти тоборо глобаллашиб бормоқда.

Юртимизда сув умуммиллий бойлиқ, шу сабабли ундан оқилона фойдаланиш зарурлиги ҳамда у давлат муҳофазасида эканлиги ҳуқуқий жиҳатидан мустаҳкамлаб қўйилган<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда сувга доир муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги бир қанча қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Хозирги кунда сув ресурсларини ҳисобга олиш ва ҳисобини юритишдаги ваколатли органлар:

№	Номи	Вазифаси
1	Сув хўжалиги вазирлиги	Кишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан фойдаланилган сув ҳажми ҳисобини юритади
2	Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги	Табиий сув ҳавзаларидаги сув ресурслари ҳисобини юритади

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 2023 йил 30 апрель, (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);

3	Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги	Ер ости сув ресурслари ҳисобини юритади
4	“Ўзсувтатьминот” АЖ	Ноқишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан фойдаланилган сув ҳажми ҳисобини юритади

Фикримизча, бугунги кунда юртимизда сув ресурсларидан тежамли ва оқилона фойдаланишни таъминлашнинг иқтисодий механизмлари яратилган бўлсада ушбу соҳани янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларнинг самарадорлигини ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди<sup>2</sup>. Мазкур “Йўл харитаси”нинг 14-бандида сув ресурсларни аниқ ҳисобга олиш тизимини йўлга қўйиш ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича маъмуриятчиликни такомиллаштириш орқали унинг базасини кенгайтиришни назарда тутувчи қонунчилик хужжати ишлаб чиқилиши кўзда тутилган. Шунингдек “Йўл харитаси”нинг 16-бандида эса Республиканинг ҳар бир вилоятида иккитадан туман ҳудудида халқаро эксперт ёки ваколатли ташкилотларни жалб қиласан ҳолда фойдаланилган сув ресурслари ҳажмини ҳисобга олиш таҳлилини ўтказиш ҳамда сув ресурслари ҳажмини ҳисобга олишни такомиллаштиришни назарда тутувчи норматив-хукуқий хужжат ишлаб чиқилиши белгиланган.

### Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Мамлакатимизда сувга доир муносабатларни тартибга солиш мақсадида тегишли қонун қабул қилинган. Мазкур қонуннинг асосий вазифаси аҳоли ва иқтисодиётнинг барча тармоқлари эҳтиёжлари учун сувлардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, сувларни ифлосланиш ва камайиб кетишдан сақлаш, сувларнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш, сув объектларининг ҳолатини яхшилашдан, шунингдек сувга доир муносабатлар соҳасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер, дехқон хўжаликлари ҳамда фуқароларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатdir<sup>3</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилар, солиқ солиш обьекти ва базаси, солиқ ставкалари, солиқ даври, солиқни ҳисоблаб чиқариш ва солиқ ҳисботини тақдим этиш тартиби ҳамда тўлаш тартиб-қоидалари кўзда тутилган<sup>4</sup>.

Сув ресурсларини самарали бошқариш, уларнинг ҳисоби ва ҳисботини тўлақонли юритиш, сув истеъмолчилари орасидаги муносабатларни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилинди<sup>5</sup>. Ушбу қарорга қўра қўйи бўғинда сув ресурсларини бошқаришнинг

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ти Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида қабул қилинган ПҚ-73-сонли қарори (Қонун хужжатлари маълумотлари миллӣ базаси - Lex.uz).

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майдаги “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ти 837-XII-сонли Қонуни, (Қонун хужжатлари маълумотлари миллӣ базаси - Lex.uz);

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599 сонли Қонуни билан қабул қилинган Солиқ кодекси, (Қонун хужжатлари маълумотлари миллӣ базаси - Lex.uz);

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 марта “Кўйи бўғинда сув ресурсларини бошқаришни

устувор йўналишлари сифатида сувнинг ҳисоби ва ҳисботини инсон омилига минимал равишда боғлиқ бўлган автоматлаштирилган тизимлар орқали юритиш кўзда тутилган.

### **Тадқиқот методологияси.**

Ушбу мақолада статистик маълумотларни гурухлаш, қиёслаш, солишиштирма таҳлил ва бошқа услублардан фойдаланилди. Шунингдек сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича маъмуриятчиликни ташкил этиш юзасидан амалдаги қонунчилик нормалари бўйича айрим масалалар таҳлил қилинди.

### **Таҳлил ва натижалар.**

Ўзбекистон Республикасидаги амалдаги қонун-хужжатлари ўрганилиши ва таҳлил қилиниши натижасида мамлакатимизда сув ресурслари улардан оқилона фойдаланиш мақсадида давлат муҳофазасига олингандиги маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни ўрганилиб таҳлил қилинганда сувдан оқилона фойдаланиш, сувни оқилона истеъмол қилиш ва сувларни муҳофaza қилишнинг иқтисодий чора-тадбирлари сифатида сув ресурсларидан фойдаланганлик, сувни етказиб бериш бўйича хизматлар ва қўрсатилган бошқа сув хўжалиги хизматлари, сув объектларини ифлослантирганлик ва уларга заарали таъсир этишнинг ўзга турлари учун ҳақ олишни, сувни тежайдиган технологияларни жорий этишда, сувни муҳофaza қилиш ва тежашда самарали бўлган фаолиятни амалга оширишда юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган солиқقا, кредитта оид ва бошқа имтиёзларни, хуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий, экологик рағбатлантиришнинг ва бошқача рағбатлантиришларнинг самарали чора-тадбирлари тизимини қўллаш назарда тутилгани аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва бошқа солиқ тўғрисидаги қонунчилик хужжатлари ўрганилган ҳолда таҳлил қилинганда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилар, солиқ солиши обьекти ва базаси ҳамда уни аниқлаш тартиби, солиқ ставкалари, солиқ даври, солиқни ҳисоблаб чиқариш ва солиқ ҳисботини тақдим этиш тартиби ҳамда тўлаш тартиб-қоидалари кўзда тутилгани ва хуқуқий жиҳатидан мустаҳкамлангани маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қуий бўғинда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш ҳамда сув истеъмолчилари орасидаги муносабатларни тартибга солиши чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида қуий бўғинда сув ресурсларини бошқаришнинг устувор йўналишлари сифатида сувнинг ҳисоби ва ҳисботини инсон омилига минимал равишда боғлиқ бўлган автоматлаштирилган тизимлар орқали юритиш кўзда тутилган. Сув ресурсларидан тежамли ва оқилона фойдаланишни таъминлашнинг иқтисодий механизmlарни такомиллаштиришдан кўзланган асосий мақсад эса солиқ базасини кенгайтириш, шунингдек инсон омилини имкон қадар чеклаган ҳолда назорат қилиш механизmlарини амалиётга жорий қилишдан иборат.

Ўрганишлар ва таҳлиллар натижасида сув ресурсларини ҳисобга олиш ҳамда ҳисобини юритишнинг амалдаги ҳолати юзасидан тизимда қуийдаги муаммолар мавжуд деган хulosага келинди:

⊕ истеъмолчилар (ноқишлоқ ҳўжалиги корхоналари бундан мустасно) томонидан сарфланётган сув миқдори ҳисобини юритиш учун сув олиш жойлари замонавий сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан тўлиқ жиҳозланмаганилиги;

⊕ сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли соҳасидаги ваколатли органлар ўртасида қониқарли даражадаги ягона марказлашган ахборот алмашинуви тизими мавжуд эмаслиги;

⊕ Солиқ қўмитаси билан сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли соҳасидаги ваколатли органлар ўртасида ўзаро электрон ахборот алмашинуви таъминлаш бўйича битим ва технологик йўриқномалар тасдиқланган бўлсада, истеъмолчилар кесимида фойдаланилган сув ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилмаслиги;

⊕ солиқ базасини ваколатли орган томонидан тасдиқланган сув ресурслари истеъмолининг нормативларига кўра аниқланаётганлиги сув ресурсларидан самарасиз фойдаланилишига ҳамда солиқ базасининг тўлиқ қамраб олинишига салбий таъсир кўрсатаётганлиги;

⊕ сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли соҳасидаги ваколатли орган солиқ базасини аниқлаш учун солиқ органларига, шунингдек қишлоқ ҳўжалигида, шу жумладан балиқчилик ҳўжалигида сув ресурсларидан фойдаланувчи юридик шахсларга улар томонидан фойдаланилиши кутилаётган сув ресурсларининг ҳажми тўғрисидаги маълумотларни тақдим этилиши юзасидан қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш эҳтиёжи мавжудлиги;

⊕ қонунчилик амалиётида қўлланиладиган “сувдан фойдаланиш жойи” ёки “сувни истеъмол қилиш жойи” тушунчаларига ойдинлик киритиш лозимлиги.

### **Хulosса ва таклифлар.**

Ўзбекистон Республикасидаги амалдаги қонун-хужжатлари ўрганилганда бошқа барча табиий ресурслар каби сув ресурслари ҳам умуммиллий бойлик ҳисобланади ва улар давлат муҳофазасидадир, улардан оқилона фойдаланиш зарур, бу ҳар бир шахснинг қонуний бурчидир.

Фуқароларда сувдан фойдаланишнинг юқори маданиятини шакллантиришга эришиш бугунги кунда долзарб масаладир, бу эса давлат ва жамият манфаатларига ижобий хизмат қиласи.

Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ўрганилиб таҳлил қилиниши натижасида мазкур қонун-хужжатларида қўлланиладиган айrim тушунчаларга ойдинлик киритиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича маъмуриятчиликнинг айrim қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурати мавжуд.

Сув ресурсларини ҳисобга олиш ҳамда ҳисобини юритишнинг амалдаги ҳолати юзасидан истеъмолчилар (ноқишлоқ ҳўжалиги корхоналари бундан мустасно)

томонидан сарфланаётган сув миқдори ҳисобини юритиш учун сув олиш жойлари замонавий сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан тўлиқ жихозлаш, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли соҳасидаги ваколатли органлар ўртасида ягона марказлашган ахборот алмашинувини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 2023 йил 30 апрель, (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида қабул қилинган ПҚ-73-сонли қарори (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);
3. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майдаги “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги 837-XII-сонли Қонуни, (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);
4. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599 сонли Қонуни билан қабул қилинган Солик кодекси, (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 марта “Қуий бўғинда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш ҳамда сув истеъмолчилари орасидаги муносабатларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-145-сонли қарори (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz).

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

